



## ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ МАСЪУЛЛАРИ, КЕНГ ЖАМОАТЧИЛИК ВАКИЛЛАРИ, ЗИЁЛИЛАР, УСТОЗ ВА МУРАББИЙЛАР, НУРОНИЙЛАР, КАСАБА УЮШМАЛАРИ ВА МАҲАЛЛА ФАОЛЛАРИ, ОТА-ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР ИШТИРОКИДА ҚЎШҚЎПИР ТУМАНИДА «ХУМО» ОРОМГОҲИ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ.

Тадбирда сўзга чиққанлар юртимизда амалга оширилаётган изчил ислохотларнинг аҳамияти, ёшлар, хотин-қизлар, нурунийлар ва эҳтиёжманд оилаларга яратилаётган шарт-шароитлар, хусусан, ёш авлод камолоти, бахту саодати йўлидаги саъй-ҳаракатлар ҳақида тўхталдилар. Ушбу оромгоҳ нафақат Хоразм вилояти, балки Оролбўйи болаларини соғломлаштиришда муҳим ўрин тутадиган муаззам иншоот эканлиги таъкидланди.

Қайд этилганидек, жорий йилги мавсумда жами 1 428 та оромгоҳда 327 минг 454 нафар болани соғломлаштириш режалаштирилмоқда. Шундан Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Болаларнинг дам олиши ва соғломлаштирилишини ташкил этиш департаменти тасарруфидаги 81 та болалар соғломлаштириш оромгоҳида 76 655 на-

фар бола соғломлаштирилади.

«Хумо» оромгоҳини Хоразм вилоятининг чекка ҳудудида янгидан қуриш ташаббуси Президентимиз томонидан илгари сурилган эди. Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси бу хайрли ташаббусни қўллаб-қувватлаб, қисқа фурсатларда мухташам бинони халқимизга тўхфа этди.

Миллий ва замонавий меъморчилик анъаналари уйғунлашган ушбу иншоотни ўз муддатида болажонларга тўхфа қилиш учун «Чинобод қурилиш» хусусий корхонасининг қўли гул қурувчилари фидоқорона меҳнат қилдилар.

Тантанали очилиш маросимидан сўнг меҳмонлар оромгоҳдаги шароитлар билан яқиндан танишдилар. 5,8 гектар майдонда 45 миллиард сўм маблағ эвазига барпо этилган 200 ўринли ушбу за-

монавий оромгоҳ мавсум давомида 1000 нафар болажонларнинг нафақат мароқли дам олишлари, балки уларнинг билим ва кўникмаларини ошириш, иқтидорларини юзага чиқариш, спорт ва санъат билан шуғулланишлари учун ҳам барча қулайликларга эга. Бу ерда амфитеатр, бассейн, ошхона, футбол майдони, шинам ётоқхона, тўғарақлар хоналари, кутубхона ва бошқалар болажонлар хизматида.

Айтиш жоизки, бу каби оромгоҳлар сони йил сайин ортмоқда. Жорий ёз мавсумида Хоразм вилояти бўйича жами 27 оромгоҳда 12 минг нафарга яқин болани соғломлаштириш белгиланган.

Муҳаббат ТҮРАБОЕВА  
«ISHONCH»

### БУГУНГИ СОНДА:

## БУГУНГИ ЗИЁЛИЛАРНИНГ ЮРАГИ ЖАДИДЛАРНИКИ КАБИ ОФРИМАЯПТИ




БУГУНГИ ЗИЁЛИЛАРНИНГ ЮРАГИ ЖАДИДЛАРНИКИ КАБИ ОФРИМАЯПТИ



«Ishonch»ning YouTube'dagi sahifasida kuring!

3



# 24 СОАТ ОНЛАЙН

ёхуд вақтимизни қандай сарфляяпмиз?

4

Маҳмуд ТОИР,  
Ўзбекистон  
халқ шоири



НАЗМ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Муслмонлар идораси раиси, муфтий, Шайх Нуриддин хожи Холиқназаров билан телефон орқали қилган суҳбатини тинглаб дилимдан ўтганлари

## ЎЗБЕК ҲОЖИЛАРИ

*Хуш ниёт инсонни хушёр айлағай,  
Ҳақни хушламоққа хумор айлағай,  
Ҳаёт шукронасин такрор айлағай,  
Ўзбек ҳожиларин янги аҳди бу!*

*Ўн беш минг ҳожининг кўкда билаги,  
Ҳаққа ибодатдан яйрар юраги,  
Ўттиз минг кафт ичра тинчлик тилаги,  
Ўзбек ҳожиларин янги аҳди бу!*

*Омон яшасин деб ҳар бир пок инсон,  
Тутиб турар еру осмонни Раҳмон.  
Ҳамду сано айтар Ўзига шоён –  
Ўзбек ҳожиларин мангу аҳди бу!*

*Райҳондан таралар ҳаёнинг иси,  
Ислом – мўминларга Тангри тўхфаси,  
Ҳидоятга тўлар умр саҳифаси,  
Ўзбек ҳожиларин янги аҳди бу!*

*Макка-ю Мадина – азиз қадамжо,  
Саломларга тўлмиш ул Каъбатулло,  
Қалбларнинг роҳати, руҳларга сафо,  
Ўзбек ҳожиларин дилда аҳди бу!*

*Ўн уч асрдирки, Ислом нур сочар,  
Қуръон нури ила дилдан ғам қочар,  
Икки оламда бахт эшигин очар,  
Ўзбек ҳожиларин дилда аҳди бу!*

*Равзаи гавҳарда қойим турганлар,  
Қаъба теғрасида гирён юрганлар,  
Ўзидан Ватанин аъло кўрганлар,  
Расулulloҳ пойи – муслим тахти бу!*

*Икки дил суҳбати – давр даъвати,  
Юртбоши сўзлари – ақл қуввати,  
Муфтий дил изҳори – Аллоҳ раҳмати,  
Уққан ҳожиларнинг умрин шамси бу!*

*Шукрона ҳожилар дил сўзларидир,  
Минода очилган қалб кўзларидир,  
Гуноҳдан ювилган гул юзларидир,  
Ўн беш минг ҳожининг асил аҳди бу!*

*Дилларнинг дарёси тинчликсиз тўлмас,  
Аҳиллик бор жойда таназзул бўлмас,  
Маҳалла гар тотув – оқибат ўлмас,  
Ўзбек ҳожиларин дилда аҳди бу!*

*Яхшининг изида юрар иззати,  
Ҳожилик – Роббимнинг улғу ҳиммати,  
Эй Расул ақрамнинг азиз уммати,  
Ўзбек ҳожиларин қатъий аҳди бу!*

*Ҳожилар қўлида адаб кўзгуси,  
Ҳеч қачон сўнмасин ибрат туйғуси,  
Миллат ёшларининг бўлсин орзуси –  
Ўзбек ҳожиларин янги аҳди бу!*

*Тарбия чироғин ёрқин ёқсинлар,  
Тилдаги бол билан дилда оқсинлар,  
Ватанга муҳаббат ила боқсинлар,  
Ўзбек ҳожиларин янги аҳди бу!*

*Ҳайитлар муслимнинг муборак куну,  
Яратган айламиш таборак уни!  
Эй сиз – бу оламнинг аҳли мўмини,  
Бир-бирин қўлламоқ банд бахти бу!*

*Юртнинг раҳнамоси Раҳмон деб яшар,  
Халқим деганида дарёдек тошар,  
Буни кўриб турар бор бани башар,  
Янги Ўзбекистон янги бахти бу!*

*Ўн беш минг ҳожидан ўн беш минг нидо:  
«Дунё тинчлигини асра, ё худо!»...  
Бухорийлар қилган бу қутлуғ дуо,  
Ҳар ўзбек қалбида қалққан шаҳди бу,  
Янги Ўзбекистон янги аҳди бу!*

**ХИСОБОТ-САЙЛОВ КОНФЕРЕНЦИЯСИ**

# ОЧИҚЛИК ВА ОШКОРАЛИК РУҲИДА



Барча ҳудудларда бўлгани каби Навоий вилоятида ҳам ҳисобот-сайловлар қизғин кечмоқда. Уларда ўтган беш йилда амалга оширилган ишларга муносабатлар билдирилмоқда.

Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Навоий вилояти кенгаши конференциясида дастлаб кенгаш раиси Нарғиза Юлдашеванинг ҳисоботи эшитилди.

Қайд этилганидек, ўтган беш йилликда меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида кенгаш ходимлари томонидан 320 та корхона, ташкилот, муассаса фаолияти ўрганилиб, амалий ёрдамлар кўрсатилди. Шу жараёнда 765 та камчилик аниқланди. Иш берувчиларга 28 та тақдирнома киритилиб, касаба уюшмалари аралашуви билан 750 та камчилик бартараф этилди.

Ишлаб чиқаришда жароҳат олган ходимлар ва боқувчисини йўқотган оилаларга ҳуқуқий маслаҳатлар берилиб, касаба уюшмалари аъзолари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида 7 марта судларда иштирок этилди. Ишчи-ҳодимларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, уларни бой маданиятимиз ва тарихий меросимиз билан яқиндан таништириш мақсадида 7 минг 350 нафардан зиёд ходимларнинг театр, музей, кўрғазма заллари, кинотеатрларга ташрифи уюштирилди. Шунингдек, «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» шiori остида ички ту-

ризмни янада ривожлантириш мақсадида иш берувчилар ва ҳомийлик маблағлари ҳисобидан қарийб 17 минг 350 нафардан зиёд ишчи-ҳодимлар ва уларнинг оила аъзолари учун Хоразм, Самарқанд, Бухоро вилоятлари ва Тошкент шаҳрига бепул саёҳатлари ташкил этилди.

Конференцияда кенгашнинг ҳисобот давридаги фаолиятига қониқарли баҳо берилди, тафтиш комиссиясининг ҳисоботи тасдиқлаб олинди. Яширин овоз бериш натижаларига кўра Нарғиза Юлдашева кўпчилик овоз билан кенгаш раиси этиб қайта сайланди.

Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба уюшмаси Навоий вилояти бирлашган кўмитасининг ҳисобот-сайлов конференцияси ҳам очиклик ва ошкоралик руҳида ўтди. Унда 35 нафар делегат иштирок этди.

Бирлашган кўмита раиси Тойир Йўлдашев маърузасида таъкидланганидек, ҳисобот даврида ишчи-ҳодимлар саломатлигига алоҳида эътибор қаратилди. 900 нафардан зиёд ишчи-ҳодимлар ижтимоий суғурта ва касаба уюшмалари маблағлари ҳисобидан санаторийларда дам олди-

рилди. Улардан 177 нафари имтиёзли, 21 нафари бепул йўлланмалар асосида саломатликларини тиклади. Нафақат ишчи-ҳодимлар, балки уларнинг фарзандлари ҳам ёзги мавсумда сўлим оромгоҳларда соғломлаштирилди. Корхона ва ташкилотлар жамоа шартномаларига ёшлар ва хотин-қизлар учун имтиёзлар кўзда тутилган алоҳида бўлимлар, Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган конвенцияларига амал қилинишини таъминлашга қаратилган бандлар киритилди.

2020 йилда жамоа шартномаси орқали бир нафар ходимга сарфланган маблағ 3 млн. 200 минг сўмни ташкил этган бўлса, 2024 йилда бу кўрсаткич 6 млн. 500 минг сўмга етди. Кам таъминланган оилалар вакилларининг 540 нафарига 223 млн. сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Эҳтиёжманд, боқувчисини йўқотган ишчи-ҳодимларнинг 1264 нафар фарзанди учун ўқув қуроллари харид қилинди.

Нодавлат сектордаги корхона ва ташкилотларда аъзолик афзалликлари бўйича тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилиб, 432 та корхонада ишловчи 25 минг 613 нафар ходим касаба уюшмаси ҳимоясига олинди.

Шунингдек, ходимлар ўртасида спортни оммалаштириш, бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида кўплаб спорт мусобақалари ўтказилиб келинмоқда. Ишда жонбозлик кўрсатган фаол ходимлар юртимиз бўйлаб тарихий шаҳарларга саёҳатга юборилмоқда.

Ҳисоботни диққат билан тинглаган делегатлар олиб борилган ишларни қониқарли деб баҳолашди. Касаба уюшмаси кўмагини ҳар бир аъзо яхши ҳис қилаётганини, жамоа шартномасига ходимлар учун кўплаб имтиёзлар киритилганини эътироф этишди.

Сайловда Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Навоий вилояти бўйича масъул ташкилотчиси, жамоатчилик асосида Навоий вилояти бирлашган кўмитаси раиси этиб Тойир Йўлдашев қайта сайланди.

Умид ХУДОЙҚУЛОВ  
«ISHONCH»



Инсон учун иш жойидаги муҳит, ўзига нисбатан муносабат ва ишонч шунчалик муҳимки, бу ҳолат кўп жиҳатдан унинг яшашга бўлган қарашини ҳам белгилаб беради. Бухорода жорий йилнинг февраль-апрель ойларида ўтказилган ҳисобот-сайлов йиғилишлари ва конференциялари айнан шундай ишонч, бирдамлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини янада чуқурроқ намоён этгани билан аҳамиятли бўлди.

## ҲАҚИҚИЙ ЕТАКЧИ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

Шу вақт оралиғида вилоят бўйлаб 2 минг 594 та касаба уюшмаси ташкилотларида ҳисобот-сайловлар ўтказилиб, уларда 167 минг 705 нафар касаба уюшмаси аъзолари иштирок этди.

Бу гапга сайловларда бошланғич ташкилотлар сафи янги фикр эгалари ҳисобига бойигани рост. Сайланган раисларнинг 61,5 фоизи олий маълумотли, 72,2 фоизи 30-50 ёшли, 50,7 фоизи аёллардан иборат. 402 нафари эса илк бор ушбу масъулиятли вазифани эгаллади. Умуман, ўтаётган ҳисобот-сайловлар фақат расмий жараён бўлиб қолмасдан, жонли муҳокама, холис таҳлил, келажакка ишонч билан қарашнинг ифодаси ҳам бўлмоқда.

Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгашининг ҳисобот-сайлов конференцияси шаффофлик ва ишонч руҳида ўтди. Дастлаб кенгаш раиси Дилбар Комилова ана шундайлар сирасидан. Унда сўнги беш йилда амалга оширилган ишларнинг ҳаққоний таҳлили, жамоавий ҳаракат

натижалари ва келгусидаги йўл харитаси муҳим самъиди.

– Ўтган беш йил осон кечмади, – дейди Дилбар Комилова. – Пандемия синновидан ҳам ўтдик. Ҳамжиҳатликда барча мақсадларимизни амалга оширдик ва қатор натижаларга эришдик. Хусусан, сўнги беш йилда вилоятдаги бошланғич ташкилотлар қарийб уч бараварга кўпайди, аъзолар сони эса 50 минг нафарга етди. Бу тизимга ишонч, аҳоли онгида касаба уюшмалари фаолиятига бўлган ижобий муносабатнинг натижасидир.

Яширин овоз бериш натижаларига кўра, Дилбар Комилова яна беш йил муддатга раис этиб сайланди. Бу нафақат ишонч, балки масъулият рамзи ҳам демакдир.

– Ҳақиқий етакчи – одамларни эшита оладиган, улар билан нафақат байрамларда, балки муаммолари пайтларда ҳам бирга бўладиган инсондир. Дилбар Комилова ана шундайлар сирасидан. У ҳар доим иш жойида, ходимлар орасида, уларнинг ташвишини эшитади, улар билан бирга-

ликда ечим топишга интилади. Биз унга ишонамиз, – дейди делегат Фурқат Султонов.

Конференцияда иштирокчилар касаба уюшмасининг келгуси беш йиллик фаолияти учун устувор вазифалар бўйича ҳам фикр алмашдилар. Ходимлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, меҳнат муҳитини яхшилаш, касб соҳасини рағбатлантириш, ёш мутахассисларни қўллаб-қувватлаш асосий вазифа сифатида белгилаб олинди.

Худди шунингдек, Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба уюшмаси Бухоро вилояти бирлашган кўмитасининг ҳисобот-сайлов конференцияси ҳам бўлиб ўтди.

35 нафар делегат иштирок этган конференцияда яширин овоз бериш тартибиде янги кўмита раиси, шунингдек, юқори касаба уюшмалари органлари Қурултой ва конференцияларига делегатлар сайланди.

Дилдора ИБРОДИМОВА  
«ISHONCH»

## СУЮНБОВЕВГА ИШОНЧ БИЛДИРИЛДИ

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Сўх тумани бўлимси кенгашининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди. Унда 33 нафар делегат иштирок этди.

Дастлаб кенгаш раиси Муҳаммаджон Суюнбоевнинг ўтган беш йил давомида амалга оширилган ишлар бўйича ҳисоботи тингланди.

Таъкидланганидек, аъзолар соғлигини мустаҳкамлаш, меҳнат ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиш, тарихий шаҳарларга саёҳатлар уюштириш касаба уюшмасининг доимий диққат марказида бўлиб келди. Ўтган давр мобайнида жамоа шартномасига киритилган барча бандлар бажарилишига эришилди.

Делегатлар етакчи ва тафтиш комиссияси ҳисоботларини тинглаб, уларнинг фаолиятига қониқарли баҳо беришди. Яширин овоз бериш йўли билан ўтказилган сайловда улар кўрсатилган номзодлар орасидан Муҳаммаджон Суюнбоевга яна ишонч билдирилди.

Сўзга чиққанлар туман кенгаши тасарруфига 3 минг 757 нафар аъзо бирлашганини, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш етакчидан фидойилик талаб этишини, М.Суюнбоев ҳам аъзолар манфаати йўлида елиб-югурадиган серғайрат касабакўмлардан бўлиб, ўтган беш йил давомида аъзоларнинг суянчигига айланганини эътироф этишди.

Кун тартибидан ўрин олган барча масалалар кўриб чиқилган конференцияда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгаши раиси ўринбосари Лолаҳон Аҳмедова иштирок этиб, юртимизда касаба уюшмаларининг ташкил этилиши тарихи, унинг ишчи-ҳодимлар ҳаётидаги ўрни хусусида сўз юритди.

Жамшид ЭРГАШЕВ  
«ISHONCH»



# ЯНГИ РАИС САЙЛАНДИ

**АГРОСАНОАТ МАЖМУИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ ШОВОТ ТУМАНИ КЕНГАШИНИНГ ҲИСОБОТ-САЙЛОВ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ТАНҚИДИЙ-ТАҲЛИЛИЙ РУҲДА, ТАКЛИФ ВА ТАШАББУСЛАРГА БОЙ ТАРЗДА ЎТДИ.**

Кенгаш раиси Х.Машарипов ҳисоботида қайд қилинганидек, сўнги беш йилда асосий фаолият меҳнатқашларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, муносиб меҳнат ҳамда дам олиш шароитларини яратиш, ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилди. 43 та касаба уюшмаси ташкилотларида 12 073 нафар аъзо манфаатлари жамоа шартномалари орқали ифодаланди.

Ҳисобот даврида 323 та ариза келиб тушди. Шундан 125 таси ёзма, 198 таси оғзаки мурожаат бўлиб, барчаси белгиланган муддатларда кўриб чиқилди ва қаноатлантирилди. Касаба уюшмаси фаолларининг ҳуқуқий саводхонлигини, айниқса, корхона, ташкилот раҳбарларининг бу борадаги билимларини ошириш мақсадида ўқув-семинарлар ташкил этилди. Ташкилотлар ўртасида футбол, мини-футбол, волейбол, югуриш мусобақалари уюштирилди. Ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш мақсадида санаторийларга 182 та

имтиёзли, 7 та бепул йўлланма берилди.

Ҳисоботда қилинган ишлар билан бир қаторда эътибордан четда қолган масалалар ҳақида ҳам сўз юритилди. Жумладан, жамоа шартномалари ижросини назорат қилиш, барча бандлари бажарилишини

таъминлашда камчиликлар бор. Меҳнатни муҳофаза қилиш чора-тадбирлари тўлиқ бажарилмаётир.

Эришилган ютуқлар ва йўл қўйилган камчиликлар асосида олдинда турган вазифаларга ҳам тўхтаб ўтилган, тафтиш комиссияси раисининг ахбороти тингланди. Мухокамаларда кенгаш фаолияти қониқарли деб топилди.

Кенгаш раисини сайлаш жараёнида уч нафар номзод таклиф қилинди. Яши-





# БУГУНГИ ЗИЁЛИЛАРНИНГ ЮРАГИ ЖАДИДЛАРНИКИ КАБИ ОҒРИМАЯПТИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, Самарқанд давлат университети ректори Рустам ХОЛМУРОДОВнинг «YUZMA YUZ +» лойиҳаси учун берган интервьюси

– Самарқандда бўлиб ўтган «Марказий Осиё – Европа Иттифоқи» биринчи саммитида муҳтарам Президентимиз: «Самарқанддан туриб қаралганда дунё тарқоқ эмас, балки яхлит ва бўлинмас бўлиб кўринади», деган фикрни айтди. Сўхбатимизни ифтихор қилса арзийдиган, одамда гурур уйғотадиган мана шу воқеалик, яъни саммит ҳақидаги таассуротларингиз билан бошласак.

– Ўзбекистон ҳудудида тарихи Самарқанд каби узоқ ўтмишга бориб тақалладиган бир нечта шаҳар бор. Унча-мунча мамлакатда бунақа қадимий ва навқирон гўшалар йўқ. Ушбу кентлар ўз шонли кечмиши билан нафақат ўзбек халқининг, балки минтақамизнинг, қолаверса, бутун туркий дунёнинг фахру ифтихори, ғурурига айланган, десам, муболага бўлмайди.

Дарҳақиқат, сўнги йилларда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси ва саъй-ҳаракатлари билан ташқи сиёсатда инқилобий ўзгаришлар рўй берди. Буни ҳаммамиз кўриб ва билиб турибмиз. Масалга шу жиҳатдан ёндашганда, Самарқанддаги йирик анжуман – «Марказий Осиё – Европа Иттифоқи» биринчи саммити ҳам ўз-ўзидан бўлгани йўқ.

Айни чоғда, рўй-роқ тост олиш керакки, глобал сиёсатда минтақани яхлит сиёсий субъект сифатида эътироф этиш айнан Президентимиз фаолияти билан бевосита боғлиқ. Чунки у кишининг жонқуярликлари ва интилишлари самараси ўлароқ, кейинги 8 йилда минтақадаги ижтимоий-сиёсий вазият тубдан ўзгарди. Аввало, кўшнилари билан муносабатимиз илиқлашди. Орадаги гина-кудурат, тушунмовчиликлар барҳам топди.

Энг муҳими, бугун бир замонлар фақат оруз бўлган минтақа интеграцияси ҳақида жиддий гапирила бошланди. Самарқандда бўлиб ўтган йирик машарат ҳам бу фикримизни тасдиқлайди. Ўзбекистоннинг дунёга очилиши дунёни ҳам бизга очди, жаҳон бизни қайта кашф этгандай бўлди. Масалан, давлатимиз раҳбари мана шу тadbирдан сал олдин Франциянинг нуфузли мукофоти билан тақдирланди. Табиийки, бу ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Демак, самимий мулоқотда гап кўп.

Келинг, шу ўринда аввалги ҳолатларни ҳам бир ёдга олайлик. Бир вақтлар кўшиллар билан муносабатларимиз қандай эди? Очигини айтиш керак, хавф туғдириши мумкин бўлган омиллар жуда кўп эди. Аллоҳга шукур, ҳозирги одилона сиёсат натижасида нафақат биргина Афғонистон, балки бошқа кўшилларимиз билан ҳам алоқаларимиз яхшиланди. Ўзаро борди-келди, савдо-соғитиқ, умуман олганда, тарихий самимият қайта тикланди.

Самарқанд ўзининг уч минг йиллик ўтмиши давомида нималарни кўрмаган дейсиз?... Тарихдан бохабар одам бу кўхна кентнинг яна жаҳон эътиборига тушаётганидан ҳикмат ахтариши ва топиши тайин. Анжуманда Шавкат Мирзиёев айтган гаплар барчамизни ғурурлантирди.

Зеро, бу шаҳар ўз вақтида жаҳон маданияти, сиёсати ва айтиш мумкин бўлса, ҳарбий қудрати орбиталаридан бирининг маркази бўлган. Дунё халқлари, давлатлари айни меҳвар атрофида саф тизишган, ундан улгу олишган. У шуҳрати ва тарихий қудратига кўра, инсоният тамаддунига таъсир кўрсатган Рим ва Афина каби тарихий шаҳарлардан асло кам эмас.

Президентимизнинг Самарқанддан туриб, дунёга назар ташлаш ҳақидаги фикр-мулоҳазаси тарихий-фалсафий мантиққа эга. Бир замонлар Евроосиёдан Жанубий Осиёгача, Кавказдан то Ғарбий Осиё ва ҳатто Европага қадар таъсир қила олган буюк империяга бешик бўлган муқаддас заминдан туриб жаҳонга боқиш ва ҳулоса чиқариш учун бугунги нотинч замонамизда, албатта, маънавий зарурат бор.

Ҳақиқатан ҳам, бугун биз таҳликали бир даврда яшаймиз. Самарқанддаги йиғинда давлатларимизда ва умуман, дунёда тинчликни сақлаш, дўстлик, ҳамкорликни ривожлантириш руҳияти юқори бўлгани алоҳида аҳамиятга эга. Кўхна қитъа вакилларининг

мамлакатимиз ва унда олиб борилаётган ўзгаришлар бўйича билдирган фикрлари шу юртнинг бир фарзанди сифатида мени жуда қувонтирди.

Бир пайтлар Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон ўртасида девор бор эди. Иқтисодий чекловлар, савдо бойкотлари ва маданий-сиёсий «беғоналаш» унинг асосини ташкил этарди. Бунинг эса ўзига хос сабаблари мавжуд эди. Болалар меҳнатидан фойдаланиш, мажбурий меҳнат, сиёсий ва диний эркинликлар ва бошқа омиллар шулар жумласидан ҳисобланарди. Президентимизнинг ташаббуси ва қатъий сиёсати туфайли уларнинг ҳаммаси қисқа фурсатда ўз меъёрига келтирилди ва буни дунё тан олди. Мана, эзу саъй-ҳаракатларимиз натижасини кўрялмиз.

Ишончим комил, тadbир доирасида эришилган келишулар ва имзоланган ҳужжатлар истиқболда Ўзбекистонимиз дунё ҳам-жамиятига янада дадил кириб боришига, пировардида халқимизнинг турмуш шароити янада яхшиланишига хизмат қилади.

– 2016 йилдан кейин илм-маърифатга муносабат ҳам тубдан ўзгарди. Бу соҳа ҳаммиша Президентимизнинг алоҳида эътиборида бўляпти. Сўзимиз исботини яқинда педагогик кадрларни тайёрлаш бўйича қабул қилинган фармон мисолида яна бир бор кўрдик. Сиз ушбу жараёнларга бир олим, қолаверса, тажрибали мутахассис сифатида баҳо берсангиз...

– Афсуски, яқин ўтмишимизда таълим соҳасида ўйламасдан, шовма-шошарлик билан амалга оширилган ишлар оқибатида ёшларнинг билим олишига ва тарбиясига путур етди. Сўнги 7-8 йил мобайнида эса, муқаддам йўл қўйилган хатолар тан олинди, уларни тўзатишга киришилди. Илм-фан, таълим, жумладан, мактабгача таълим йўналишида мисли кўрилмаган ишлар қилинди.

Одамга таскин берадиган жиҳати шуки, қисқа муддатда ижобий натижаларга эришилди. Масалан, мактабгача таълим камровини деярли 80 фоизга етказдик. Ҳозир янги авлод тарбиячиларини тайёрлаялмиз. Мактабларни 9+3 тизимини 11 йиллик ҳолатига қайтардик. Олий таълим муассасаларини кўпайтирдик.

Тўғри, кўзланган чўққига бирдан чиқиб бўлмайди. Шунинг учун мақсадимиз сари секин-аста, зинама-зина чиқиб бораёлмиз ва тўғри қилаялмиз. Вақти-соати келиб, бу ўз мевасини беради, албатта.

«Педагог кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармон ўз мазмун-моҳиятига кўра, олдингиларидан долзарброқ ва аҳамиятлirroқдир. Бу ҳужжатда кўп масалалар қамраб олинган, хусусан, кириш қисмида ундан кўзланган мақсад куйидагича баён этилган: «Мамлакатимизда педагог кадрлар тайёрлаш тизимини ягона ёндашув асосида тубдан такомиллаштириш, мазкур йўналишда олий таълим дастурларини халқаро тажриба асосида трансформация қилиш, шунингдек, таълим соҳасида узвийлик ва узлуксизликни ҳамда илм-фан ва амалиёт уйғунлигини таъминлаш».

Лекин унинг мазмун-моҳиятини ва аҳамиятини ҳали кўпчилик тўлиқ англаб етмаяпти. Аслида мактаблардаги ҳар бир муаммо педагогик кадрларнинг билими, малакасига бевосита боғлиқ. Бу эса мутахассисларни тайёрлашдаги жараёнларнинг сифат ва савиясига бориб тақалладиган масала. Агар шу йўналишдаги институт ва университетларимиз яхши педагогларни етиштириб берса, мактаблардаги муаммолар ўз-ўзидан ечилади. Чунки биз кутаётган мақсадни амалга оширадиганлар муаллимлардир. Уларни замон талаблари асосида тайёрлай олсак, соҳада жиддий ижобий натижаларга эришамиз.

Сўнги йилларда Президент мактаблари, ихтисослаштирилган мактаблар очилди. Айни пайтда Президент мактабларининг биринчи қалдирғоч-

лари дунёнинг нуфузли олий таълим масканларида таҳсил олишмоқда. Албатта, бу «таълимнинг янги стандартлари» мезони нуқтаи назардан қувонарли ҳодиса. Лекин мени бир нарса хавотирга солади. Биз соҳага янгиликлар киритиш билан бирга, бу борада совет таълим тизими меросига ҳам бевосита ворислик қилаётгандаймиш. Масалан, бугун дунёда рақамлаштириш, технологиялар тез ривожланмоқда ва бу кўплаб касбларга заруратни кескин инкор қилмоқда. Дейлик, биз ҳар йили аграр йўналишда минглаб мутахассислар етиштираемиз, аммо савол туғилади: иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги ва саноат технологиялашаётган бугунги даврда уларга қанчалик эҳтиёж бор? Таълим тизимини реал ҳаётга мослаш, яъни соҳани келажак учун керакли кадрлар етиштиришга йўналтириш вақти келмадимикан?

– Дунёда селекцион таълим деган тushунча бор. Европанинг қатор мамлакатларида болалар поғонама-поғона, қизиқиши ва қобилиятига қараб, гуманитар, техника, аниқ фанлар йўналишида сараланади. Биз ҳам шу йўлдан бorsак, салмоқли ютуқларга эришишимиз шубҳасиз. Президентимиз таълим йўналишида бошлаган сиёсат айни мақсадни кўзлайди. Бунга мисол тариқасида Президент мактабларини келтириш мумкин.

Қолаверса, рақамли технологияга ёки ижодий йўналишга ихтисослаштирилган, физика, математика фанлари чуқурлаштириб ўқитиладиган таълим масканлари бор. Яъни биз ҳам бугун совет таълим тизими меросидан воз кечиб, соҳага дунё тажрибасидан ўтган самарадор усулларни жорий қилмоқдамиз.

– Олий таълим чиқараётган кадрларга эҳтиёж масаласи?..

– Тўғри, замона зайли билан айрим мутахассисларга талаб ўзгарди. Лекин бу ўша мутахассис керак эмаслигини англамайди. Шунчаки биз уни иш билан таъминлайдиган тизимни унутдик. Айни пайтда юриспруденция, халқаро муносабатлар, молия-иқтисодиёт, бухгалтерия каби мутахассисликларнинг бозори чаққон. Кўпчилик ўзини шу соҳаларга уряпти. Аграр жабҳага эса кўпчилик қизиқмай қўйди. Ваҳоланки, бир вақтлар ушбу йўналиш жуда жозибador бўлган.

Хўш, соҳа нега бундай аҳволга тушди? Хабарингиз бор, ўтган асрнинг 90-йилларидан бошлаб, қишлоқ хўжалигини турли ўзанларга солиб кўрдик. Колхоз, совхозлар тугатиб, ширкат хўжаликларини, фермер хўжаликларини, сув истеъмолчилари уюмларини туздик. Бу ўз-ўзидан соҳадаги мушавиратни бузди. Масалан, мулкчилик шакли ўзгарди. Ер эгаси бўлган фермер агроном ёки қишлоқ хўжалиги бўйича мутахассисга эҳтиёж йўқ, дегандай бўлди ва хатолик шу ердан бошланди.

Ер майдонлари аксарият ҳолларда агротехника талабларидан умуман беҳабар кишилар қўлига тушиб қолди. Бугун оқибатини кўриб турибмиз. Шу боис бир пайтлар жуда шарофли саналган агроном, зоотехник каби мутахассисларнинг обрўси тушиб кетгандай бўлди. Бу, табиийки, таълим йўналишига ҳам таъсир кўрсатди. Ҳозир олий таълимга қабул балларини кузатсангиз, энг куйи балл айнан аграр йўналишда «забт» этилаётганининг гувоҳи бўласиз. Билими ҳаминқадар талабалар ўқишини битириб, мутахассис сифатида иш бошлагач, ҳолатни тасаввур қилаверинг...

Аммо аниқ факт шундаки, қишлоқ хўжалиги соҳаси биз учун жуда муҳим. Мен «Ушбу соҳа бўйича мутахассисларга эҳтиёж камайди», деган гапларга кўшилмайман. Чунки олдимизда озик-овқат хавфсизлиги масаласи кўндаланг турибди. Яқин йилларда нуфусимиз 40 миллионга, 10-15 йилдан кейин 50 миллионга

етиши прогноз қилиняпти. Минтақада сув муаммоси пайдо бўляпти. Чўлланиш хавфи ҳам бор. Иқлим ўзгариб борапти. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда муаммолар кузатиляпти. Мана шундай оғир вазиятда бизга қишлоқ хўжалиги бўйича замонавий билимга эга ва тажрибали мутахассислар керак.

– Собиқ Иттифоқ даврида юртимиз олий ўқув юртларида хорижликлар ҳам таълим олишарди. Ҳозир ҳам шундай дейишга ҳақимиз борми? Ҳар қалай, тизим илсохоти йўлидаги шаштимиз ёмон эмас. Мен олий таълимнинг аввалги нуфузини тиклаб, замонавий тажрибаларга интеграция қилиш вақти келмадимикан, демоқчиман. Масалан, исталган бирор хорижлик талабада нима учун Самарқанд давлат университетига келиб ўқиш орзуси бўлмаслиги керак?!

– Яқинда Истанбулда бўлдим. У ердаги университетнинг турк ислом маданияти бўлимига кирдим. Шу асно қадимги Самарқанд тарихини тош даврдан бошлаб, XX асргача ёзган олим билан сўхбатладим ва менда бир қанча ҳақли саволлар пайдо бўлди.

Хўш, нима учун биз ўтмишни борича акс эттиришда XIX асрдан нарига ўтолмаялмиз? Чунки тарих фанига илмий қарашларимиз ҳамон ўзгармаган. Ҳалигача совет тарихшунослигига оид манбалардан фойдаланиб, илмий иш қилмаялмиз. Бунинг энг асосий сабабларидан бири бизда асл манба билан ишлаш тажрибаси шаклланмаган.

Эътибор беринг, педагогика институти тарих муаллимини, университетларимиз эса тарих бўйича академик кутуб олим, яъни соҳани тadқиқ қиладиган мутахассис тайёрлаши керак. Аммо у манбаларни ўқийёлмас, қандай олим бўлади?! Файласуф бўлса-ю, фикрларини аниқ манбаларга асосланиб, шарҳлаб беролмаса ёки психология, социология бўйича манбалар билан ишолмас... Ислomгача, ислomдан кейинги давр, урта асрлар, қанча тарих бор... Биз шулар асосида бугунги кун ва келажакимизни тамсил этишимиз керак.

Менимча, таълим тизими, айниқса, академик жабҳада нималарнидир ўзгартириш, эски чеклов ва табуларни бартараф этишимиз лозим. Олий таълим масканлари ўз фаолиятларини бир-бирини тақорлайдиган эмас, тўлдирадиган асосда йўлга қўйиши зарур бўлади, назаримда. Нафақат тарих, гуманитар соҳа ҳисобланадиган бошқа фанлар, масалан, фалсафа йўналишида ҳам муаммоларимиз етарли.

– Адашмасам, 1990 йилларда олий таълим икки тизимга – бакалавр ва магистратура босқичига ажратилди. Утган 30 йилдан зийбoқ вақт ичида бу қанчалик ўзини оқлади ёки оқламади? Бунга ҳам баҳо берилиши керак, менимча! Сиз ушбу тизим орқали кўзланган мақсадга нечоғлиқ яқинлашдик, деб ўйлайсиз?

– Тўғри, дунё тажрибасидан андоза олди. Лекин аслида бунга тайёр эмасдик. Беш йиллик таълимдан бакалавр ва магистратурага ўтиш шунчаки жўн иш эмас. Аслида бу йўналишга ўтишдан олдин қатор шартларни бажаришга тайёр бўлишимиз лозим эди.

Масалан, биз олий даражадаги мутахассислар билан тўйинган бўлиши, таълим маданияти шаклланган, иқтисодий илоҳотлар самарадорлиги юқори бўлиши керак эди. Мулоҳазаларимни Ғарб мамлакатлари мисолида асослайдиган бўлсак, уларда икки босқичли таълимга ўтишнинг ўзига хос тарихи бор. Жамият кучли мутахассислар билан тўйинган. Яхши муҳандис, яхши агроном, яхши қурувчи кўп. Ҳаёт даражаси ҳам юқори босқичга кўтарилган. Натижада у ҳолида фақат кун кўриш учунгина эмас, балки ундан ҳам муҳимроқ, ма-

салан, ҳаётдаги ўз инсоний ўрнини чуқурроқ англаш ёки оддий уй бекаси фарзандлари тарбияси учун ҳам олий маълумотли бўлиш зарур, деган юқори талаблар шаклланиши ортидан ривожланган. Шунинг учун бу давлатлар таълимни икки босқичли қилишган. Биринчи босқич оммабоп бакалаврият, иккинчи босқич эса ҳақиқий илм йўлини танлайдиганлар учун мулжалланган.

– Демак, биз буни бошидан нотўғри қилган бўлиб чиқарканмиз-да?..

– Кўпчилик дастлаб магистратурано олимлар тайёрлайдиган босқич, деб тushунди. Айрим кишилар ҳалигача шундай деб ўйлашади. Аслида магистратура иқтисодиётни, ижтимоий ҳаётни силжитадиган юқори малакали мутахассислар тайёрланадиган асосий таянч таълим йўналиши ҳисобланади. Аммо биз уни жозибador қилолмадик. Бундан ташқари, юқорида айтганимдек, бакалавр эмас, магистр ҳақиқий мутахассис саналади. Чет элда шундай. Уларнинг амалиётида бакалавр дипломи соҳибига тегишли комиссия аъзолари, масалан, «Сен заводда муҳандис бўлиб ишлашнинг мумкин, лекин мана бу лавозимдан юқорига кўтарилма олмайсиз», деб айтишади. Бизда эса унақа эмас. Бакалавр даражаси билан истаган лавозимни эгаллаш мумкин. Шу боис магистратуранинг у қадар юки йўқ.

Аслида бу хато қараш. Магистр бакалавр дипломига эга мутахассисдан ҳар тарафлама юқори поғонада туриши лозим. Жоиз бўлса, магистратура босқичида инглиз тилида дарс берайлик, шу тариқа янги ўзбек зиёлисини чиқарайлик.

Худого шукур, хатолар тўзатилаётир. Магистратурага кириш талабларини ўзгартирдик. Инсон омилини йўқ қилдик. Демак, аста-секин бўлса-да, яхши ўзгаришлар сари қадамлар ташланапти.

– Ўз йил олдин қадидлар маърифатли жамият қуриш ҳарақатида бўлишган. Лекин бу иш ўзларига қимматга тушган. Ҳозир жадидларга, илм-фанга муносабат тубдан ўзгарди. Давлат илм-маърифатни юз фоиз қўллаб-қувватляпти. Халқ ҳам шунинг тарафдори. Бироқ, қани энди, ушандай жадидлар?... Шу савол менга мудом тинчлик бермайди. Назаримда, бу туйғу сизга ҳам беғона эмас...

– Дарҳақиқат, жадидларнинг энг катта мақсади – халқни хат-саводли, маърифатли қилиш эди. Улар одамларни рўшноликка чиқаришнинг бирдан-бир йўли шу, деб ҳисоблашган. Назаримда, ҳозирги зиёлининг юраги ўша жадидларникича оғримаяпти. Президентимиз олиб бораётган сиёсатни яхши англамаётганлар кўп, афсуски.

2016 йилгача профессор-ўқитувчиларнинг ойлик маоши 1,5 миллион сўм атрофида эди. Ҳозир ўн баробар ошди. Бу ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Мамлакатимиз раҳбари илм учун, зиёлилар учун шароит, имконият, маблағ топиб бераётганининг шарофати бу. Лекин зиёлилар ҳар доим ҳам шунга яраша иш юритишмаяпти. Ўзбек профессорининг ватанпарварлиги жадид боболаримизники даражасигача кўтарилмапти...

– Тўғри айтдингиз, давлатимиз раҳбари деярли ҳар бир йиғинида илм-маърифатга ургу берапти. Масъуллар олдиға ечимини кутаётган долзарб масалаларни қўйяпти. Зеро, бизни фақат илм-маърифат юксакликка олиб чиқади. Шундай экан, олдимизда турган машаққатларни сабот билан енгиб, мақсад сари дадил қадам ташлашимиз керак. Бу йўлда сиз каби жонқуяр устозларга куч-қувват тилаймиз.

Хусан ЭРМАТОВ  
сўхбатлашди



Британиядан Украинага кўмак

Лондон 2026 йилнинг апрелига қадар Украинага 100 мингта учувчисиз бошқариладиган қурилма (дрон) етказиб бериш ниятида эканини маълум қилди. Бу ҳозир етказиб берилаётган ҳажмдан ўн баравар кўп. Бу ҳақда «Reuters» агентлиги хабар қилди.

Ушбу ташаббуснинг умумий бюджети 350 миллион фунт стерлингни (473 миллион АҚШ доллари) ташкил қилиб, Киевга ажратилган 4,5 миллиард фунт стерлинг (6 миллиард АҚШ доллари)га баҳоланаётган кенг қамровли ҳарбий ёрдам пакетининг бир қисми ҳисобланади.

«Reuters»нинг маълумотига кўра, 2024 йил январидан буюн Буюк Британия Украинага 140 минг дона артиллерия снарядини етказиб берган ва кўшимча равишда украин ҳарбийларини тайёрлаш учун яна 247 миллион фунт стерлинг (334 миллион АҚШ доллари) ажратишни режалаштирган.

Россияга қарши янги санкциялар

АҚШ Сенати Россияга қарши янги санкциялар пакетини қабул қилишга тайёрланмоқда. Бу ҳақда президент Дональд Трампнинг махсус вакили Кит Келлог «Fox News» телеканалига берган интервьюсида маълум қилди.

«Мен ўтган ҳафта охирида сенатор Линдси Грэм билан суҳбатлашдим. Сенаторлар ҳаракатни бошлашга тайёр. Улар бунга «2025 йил учун Россияга қарши санкциялар тўғрисидаги қонун» деб атапти», деди Келлог.

Унинг таъкидлашича, янги чекловлар жуда кескин бўлади ва Конгресснинг Москвага нисбатан иқтисодий ҳамда сиёсий босимни кучайтириш борасидаги қатъиятини фододалайди.

Трамп Техронга ультиматум қўйди

АҚШ президенти Дональд Трамп маъмурияти «махфий келишув» ҳақидаги миш-мишларга қарамай, Эронга нисбатан ўз қатъий позициясидан чекинмоқчи эмас. Бу ҳақда АҚШ Давлат департаментининг расмий вакили Тэмми Брюс Вашингтондаги брифингда маълум қилди.

«Эронга нисбатан «максимал босим» кампанияси ҳамон ўз кучида, деди Брюс.

Унинг таъкидлашича, АҚШ томони илгари сурган Эроннинг урани бойитиш ҳуқуқини тўлиқ чеклаш ўзгармас ва қайта қўриб чиқилмайдиган талабдир.

Оқ уй матбуот котиби Каролин Левитт эса АҚШ Эронга ядровий дастур юзасидан «батафсил ва қабул қилса бўладиган» таклиф юборганини баён қилди. Ушбу ҳужжат Яқин Шарқ бўйича махсус вакил Стивен Уиткофф орқали етказилган.

«Президент Эрон ушбу таклифни қабул қилади, деган умидда. Акс ҳолда, оқибатлар жуда жиддий бўлади», дея оғохлантирди Левитт.

Жанубий Кореяда муҳолифат ғалабаси

Жанубий Кореяда ўтказилган навбатдан ташқари президентлик сайловларида муҳолифатдаги Демократик партия номзоди Ли Чжэ Мён ғалаба қозонди. «Yonhap» агентлиги маълумотларига кўра, овозларнинг 100 фоизи қайта ишланганидан сўнг, Лининг 49,42 фоиз овоз олгани маълум бўлди.

Унинг асосий рақиби – консерватив «Халқ кудрати» партияси номзоди Ким Мун Су 41,15 фоиз овоз тўплаб, сайлов кунлик мағлубиятни тан олди. У ўз тарафдорларига миннатдорлик билдирди ва Ли Чжэ Мённи ғалаба билан табриқлади.

Сок Ёлга нисбатан импичмент қарорини маъқуллаганидан сўнг тайинланган эди. Давлатни вақтинча бош вазир Хан Док Су бошқариб турди. Ли Чжэ Мённинг ғалабаси мамлакат сиёсий йўналишида ижтимоий ва минтақавий мувозанат устуворлик қиладиган янги кун тартиби бошланишидан далолат бериши мумкин.

Атамбаев учун қамоқ жазоси

Қирғизистон собиқ президенти Алмазбек Атамбаев 11 йил 3 ой муддатга озодликдан маҳрум этилиб, мол-мулки мусодара қилинди. Бу ҳақда Бишкекнинг Биринчи Май тумани судида яқунланган суд жараёни натижалари асосида эълон қилинди.

Суд қарорига кўра, Атамбаев барча давлат мукофотларидан ҳам маҳрум қилинди. Шунингдек, у ва ушбу иш бўйича яна бир фигурант – собиқ бош вазир Аскарбек Шадиевдан 5 миллиард 439 миллион сом ундирилиши белгилаб қўйилди.

Айбловлар Бишкек ИЭС модернизациясида ноқонуний бойиш, 2019 йил август ойда Қўй-Тош қишлоғидаги оммавий тартибсизликлар, шу жойдаги ер участкаларини ноқонуний йўл билан олиш каби бир нечта эпизодни қамраб олган.

Бирлаштирилган иш доирасида суд-Оламгир ОТАЁРОВ тайёрлади

ЖИЗЗАКНИНГ ТУРИЗМ ЖОЗИБАСИ

Юртимизнинг ўзига хос табиати, тарихий ва меъморий обидалари хорижлик сайёҳларни азалдан мафтун этиб келган. Жумладан, Жиззах вилоятида жойлашган сўлим гўшалар ҳам туристлар оқими кўпайишига муносиб ҳисса қўшмоқда.

РАҚАМЛАР ТИЛГА КИРГАНДА
Ўтган йили вилоятга 500 минг нафар хорижий, 2 миллионга яқин маҳаллий сайёҳ келди. Бу 75 миллион АҚШ доллари миқдоридagi даромад деганидир.

Маълумотларга кўра, 2025 йилнинг биринчи чорагида вилоятга Россия, Хитой, Корея Республикаси, Хиндистон, Германия, Франция, Туркия, Испания, Италия, Буюк Британия, Қозғоғистон, Қирғизистон ва Тожикистондан жами 129 минг 320 нафар сайёҳ ташриф буюрган. Шунингдек, Сирдарё, Самарқанд, Навоий, Бухоро, Қашқадарё, Фарғона, Наманган, Андижон, Хоразм вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасидан 617 минг нафар маҳаллий аҳоли сайёҳатга келишган. Даромад эса 19 миллион 300 минг АҚШ долларини ташкил этган.

ФОРИШГА ХОРИЖЛИКЛАР ҲАМ КЕЛИШАДИ

Фориш туманидаги Нурота тоғ этақларида жойлашган «Ўхум» МФЙ худудидаги Асраф, Мажрум, Ҳаёт каби қишлоқлар бетақорор гўзаллиги билан машҳур. Бу ердаги биологик хилма-хиллик ҳар қандай кишини ўзига ром этиши аниқ.

Шу ерлик Нарзулло Мусаев 2016 йили икки хонали меҳмон уйи очди. Соҳанинг сир-асрорларини пухта эгаллаш мақсадида кўп изланди. Семинарларда қатнашиб, туристларга хизмат кўрсатиш бўйича малака оширди. Инглиз ва рус тилларини ўрганди.

– Меҳмонхонамизга келаётганларнинг асосий қисми хорижликлар, – дейди Нарзулло Мусаев. – Уларни нафақат қишлоғимизнинг бетақорор табиати, балки халқимизнинг анъана-ю урф-одатлари,



миллий таомлари, турмуш тарзи ҳам жуда қизиқтирарти. Шу боис миллийликка алоҳида эътибор қаратяпти.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 2022 йил 27 январда «Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорни имзолаганди. Натижада тадбиркорларга қатор имкониятлар берилди. Н.Мусаев ҳам улардан унумли фойдаланиб, банкдан имтиёзли шартларда кредит олди. Уй меҳмонхонасини қайта қуриб, жиҳозлади.

ТУРИЗМ МАҲАЛЛАСИ ЯНА БИТТАГА КўПАЙДИ

Ғаллаорол туманидаги «Узунбулоқ» МФЙга «Туризм маҳалласи» мақоми берилгач, сайёҳлар оқими ҳисобга олиниб, 3,1 километрик йўл асфальтланди. 75 километрик ички йўлга шағал ётқизилди. Шунингдек, махсус белгилар ўрнатилди.

– Маҳалламизга бундай мақом берилгани ҳам мамизни бирдек қувонтирди, – дейди «Узунбулоқ» МФЙ раиси Мақсуд Бовобоев. – Худудимизда 1 минг 85 та хонадон бор. Уларда 6 минг 275 на-

фар фуқаро истиқомат қилади. Оқирва йиллардаги сайёҳ-ҳаркатлар натижасида сайёҳлар сони бироз ошди. Айни пайтда қишлоғимизда 10 дан ортққ ошларчи меҳмон уйи, 5 та оқталаниш шохбачаси, 2 та селфи маскани, 3 та савдо маркази фаолият юртимда. Саад ибн Абу Ваққос зиёратгоҳи ҳам шу ерда.

– Юртингизга иккинчи марта келишим, – дейди верманиялик сайёҳ Штефан Ҳойман. – Саёҳат мобайнида Бухоро, Самарқанд шаҳарларида ҳам бўлдим. Менга миллий анъаналарини, айниқса, фольклор кўшиқларини жуда ёқди. Одамлар жуда хушчақчақ, меҳмондўст экан. Ўзбекистонни дунё танитаётганидан хурсандимиз. Бу ерга келишдан доим мамнуним.

Ҳа, туризм соҳасини ривожлантириш учун вилоятда ҳамма имкониятлар ва шарт-шароитлар етарли. Айниқса, Бахмал ва Зоминнинг сўлим, бетақорор табиатини таърифлашга тил охири.

Муқимбой ИСМОИЛОВ «ISHONCH»

24 СОАТ ОНЛАЙН МУШОҲАДА



ёхуд вақтимизни қандай сарфляпмиз?

Биринчи навбатда, улар вақт бебаҳо бойлик экани ва ундан унумли фойдаланиш кераклигини жуда яхши англаб етишган. Доим қисқа муддатда кўп ишларга улгуриш лозимлиги ҳақида уйлашган. Уша пайт вақтингиз баракоти ҳам бошқача бўлган. Билим олиш ва уни бошқаларга улашишга доим шориллашган. Эътибор қаратадиган асосий нарсалар илм бўлган. Чунки билим билан ҳар қандай нарсани эришиш мумкинлигини тушунишган.

Ҳозир-чи? Бугун вақтимизни олувчи, унга ҳукм ўтказувчи омиллар жуда кўп. Телефон, гаджетлар ва интернет. Уларнинг тўрига шу қадар мустаҳкам илиндикки, ҳатто энди ундан ўзимизни қутқариш лозим топмапмиз. Дўстлар, яқинларимиздан кўра, интернетдаги хабарлар, бошқаларнинг ҳаёти мўҳимдек бўш.

Ҳолбуки, вақт инсон учун олий неъмат. Уни ижтимоий тармоқларга сарфлаш умрни шунчаки беҳудга ўтказишидир. Айниқса, бу кайфиятимиз, соғлигимизга ҳам таъсир ўтказмай қолмайди. Short video (рээлс)лар инсонлар тоқатсиз бўлиб қолишига сабаб бўляпти. Бу ҳолатнинг олдини олиш зармон талабига айланиб борапти. Негаки, интернетдан фойдаланаётганларнинг аксарияти ёш авлод. Кузатпасизми, ҳозирги болалар, кичкинтойлар жуда ҳам жиззакчи. Сал нарсани жаҳли чиқади, аразлайди, қайсарлик қилади. Буларнинг барчаси уларнинг қўлига тутқазилган телефонлардаги зарарли контентлар ва кўп вақт ундан фойдаланиш натижаси эканини яхши биламиз.

Ўйлайманки, бундан назоратга оلسа бўлади? Ҳўш, қандай қилиб? Ота-оналар болам жим бўлсин, ишимни қилиб олай, хархаша қилмасин, дея уларнинг митти қўлчасига телефон тутқазмаслиги, уйинларга қизиқини кўп қўллаб-қувватламаслиги, асосийси, вақтини китоб ва мулоқот билан боғлашга ундаши лозимдир.

Мадинабону ИСРОИЛОВА, Ўзбекистон Журналистика ва Оммавий коммуникациялар университети 3-курс талабаси

Мароқли дам олинг, азиз газетхон!



Болам, келсанг, қай маҳал, Кўзим йўлингга маҳтал, Қошимга келиб ҳар гал, ОНА, мен келдим, дегин. Мунаввара УСМОНОВА шеъри

«Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки акциядорларининг диққатига!

Ҳурматли акциядорлар! «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки Қузатув кенгаши акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши 2025 йил 27 июнь кун, соат 10:00 дан бошлаб, Тошкент шаҳри, Амир Темури шохқўчаси, 4-уй манзилида жойлашган «Микрокредитбанк» АТБ мажлислар залида ўтказилишини маълум қилади. Йиғилиш кун тартиби: 1. «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банкнинг санок комиссияси тартибни тасдиқлаш; 2. «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банкнинг 2024 йил якуни буйича акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш; 3. «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банкнинг 2024 йил фаолияти якуни буйича Қузатув кенгашининг ҳисоботи тасдиқлаш; 4. «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки Бошқаруви раиси 2024 йил якуни буйича ва Банкни ривожлантириш стратегияси тўғрисидаги ҳисоботини ҳамда Банкнинг 2025 йилдаги устувор вазифаларини тасдиқлаш; 5. «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки фаолиятининг 2024 йил якуни буйича йиллик ҳисоботини, жумладан, бухгалтерия балансини, фойда ва зарарлари тўғрисидаги ҳисоботини ҳамда аудиторлик ташкилотининг хулосасини тасдиқлаш; 6. «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки фаолиятининг 2024 йил якуни буйича фойдаси ва (ёки) зарарларини тақсимлаш ҳамда акциялари буйича дивидендлар тўлаш; 7. «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банкнинг корпоратив бошқаруви тизимини баҳолаш якуни буйича мустақил баҳоловчи ташкилот хулосасини тасдиқлаш; 8. «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки Бошқаруви раиси ва унинг ўринбосарлари фаолиятининг 2024 йил учун энг муҳим самарадорлик кўрсаткичларининг (КТИ)нинг йиллик натижаларини кўриб чиқиш; 9. «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки томонидан «Давлат иштирокидаги корхоналар учун корпоратив бошқаруви Қондалари» тавсияларига риоя этиш мажбуриятини қабул қилиш; 10. «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш; 11. «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки янги тахрирдаги Уставини тасдиқлаш; 12. «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банкнинг янги тахрирдаги «Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида», «Қузатув кенгаши тўғрисида», «Бошқаруви тўғрисида», «Қузатув кенгаши аъзоларига ҳақ ва компенсациялар тўлаш тартиби тўғрисида» Низомларини ва «Ахборот сиёсатини, шунингдек, «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки тизимида қарсдорлик ҳисобига мол-мулкларни банк балансида қабул қилиш ва уларни реализация қилиш ҳамда ҳисобини юритиш Тартибини тасдиқлаш; 13. «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банкнинг қўндалик ҳўжалик фаолиятини юритиш ҳарафинида (корий ҳўжалик фаолияти билан боғлиқ) аффилиаган шахслар билан ва йилик битимларни келтиришда Банк томонидан мустақил амалга ошириши учун акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишига бўлган даврда тузиллиш мумкин бўлган (қўллаётган) битимларни аниқлаш ва маъқуллаш; «Микрокредитбанк» АТБ Қузатув кенгашининг 2025 йил 2 июндаги мажлиси қарорига асосан, акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар реестри 2025 йил 23 июнь кунини ҳолатига ҳамда акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши ҳамда акциядорларга хабар қилиш учун акциядорлар реестри 2025 йил 2 июнь кунини ҳолатига тузилади. Акциядорларнинг рўйхатга олиш 2025 йил 27 июнь кунини соат 09:00 дан 10:00 гача давоми элади. Акциядорлар умумий йиғилишида шахсини тасдиқловчи ҳужжат ва ёзма шаклда тузилган ишончнома асосида қатнашди, қориди ҳужжат номидан берилган ишончнома қонунчилида белгиланган тартибда, жиқмоний шахс номидан берилган ишончнома нотариал тасдиқланган бўлиши керак. Акциядорларнинг умумий йиғилишида видеоконференция алоқа тарзида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар реестри 2025 йил 23 июнь кунини ҳолатига ўтказиш бўйича қўшимча ахборот, унда қўрилган масалаларнинг ҳужжатлари билан юқоридagi манзилга ва қўндалик телефон рақамларига мурожаат қилиш ҳамда банкнинг корпоратив веб-сайти (www.mikrokreditbank.uz) орқали танишиш мумкин. Тел: 998 (71) 202-99-99 (1217, 1218). Банк Қузатув кенгаши

MUASSIS: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi 2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetalarini tahrir hay'ati: Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi), Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OIYIBAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Mehriiddin SHUKUROV (Mas'ul kotib - «Ishonch»), Valentina MARSENYUK (Mas'ul kotib - «Ishonch-Doverie») Bosh muharrir Husan ERMATOV

Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti - (71) 256-64-69, Huquq va xalqaro hayot - (71) 256-52-89, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport - (71) 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash - (71) 256-85-43, Marketing va obuna - (71) 256-87-73. Hududlardagi muxbirlar: Qoraqalpog'iston Respublikasi - (+998-99) 889-98-20, Andijon viloyati - (+998-99) 889-90-23, Buxoro viloyati - (+998-99) 889-90-31, Navoiy viloyati - (+998-99) 500-05-12, Jizzax viloyati - (+998-99) 889-90-34, Namangan viloyati - (+998-93) 213-09-66, Samarqand viloyati - (+998-99) 889-90-26, Sirdaryo viloyati - (+998-99) 889-98-55, Surxondaryo viloyati - (+998-90) 379-19-70, Toshkent viloyati - (+998-99) 600-40-44, Farg'ona viloyati - (+998-99) 889-90-24, Xorazm viloyati - (+998-99) 889-98-01, Qashqadaryo viloyati - (+998-97) 705-08-93.

Navbatchi muharrir: Alijon ABDURAHMONOV, Musahhililar: Dilorom XUDOYBERGANOVA, Ulmida XUDOYBERGANOVA, Sahifalovchi: Hasan ABDUJALILOV, Bosisiga topshirish vaqti - 23:40, Topshirishi - 00:10, Bahosi kelishilgan narxda: Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi, Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy, E-mail: ishonch 1991@yandex.uz, Nashr ko'rsatkichi: 133, Gazetaning poligrafik jihatdan sifati chop etilishiga bosmaxona mas'ul, Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar, Umumi adadi 32 408 ta, Shundan: 6 187 nusxasi «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi - Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda; 18 306 nusxasi «Erudi» MCHJ bosmaxonasi - Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda; 7 915 nusxasi «Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi - Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma tabloq, Buyurtma G-611 1 2 3 4 5 6